

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ,
ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАЖАБОВ НАРЗУЛЛА ОРОЛОВИЧ

**ТУТ ИПАК ҚУРТИ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ҲАЁТЧАНЛИГИ
ВА ИПАК МАҲСУЛДОРЛИГИГА ЯНГИ ЯРАТИЛГАН
ТУТ НАВЛАРИНИ ТАЪСИРИ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Ражабов Нарзулла Оролович

Тут ипак курти дурагайларининг ҳаётчанлиги ва ипак
махсулдорлигига янги яратилган тут навларини таъсири 3

Ражабов Нарзулла Оролович

Влияние новых сортов шелковицы на жизнеспособность гусениц и
шелковую продуктивность гибридов тутового шелкопряда 19

Rajabov Narzulla Orolovich

The influence of new varieties of mulberry on the viability of silk worm
hybrids and silk productivity 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ,
ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАЖАБОВ НАРЗУЛЛА ОРОЛОВИЧ

**ТУТ ИПАК ҚУРТИ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ҲАЁТЧАНЛИГИ
ВА ИПАК МАҲСУЛДОРЛИГИГА ЯНГИ ЯРАТИЛГАН
ТУТ НАВЛАРИНИ ТАЪСИРИ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx321 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети ва Ипакчилик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насириллаев Бахтияр Убайдуллаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Якубов Ахматжон Бакиевич

биология фанлари доктори, профессор

Наврузов Собир

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2018 «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Р.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., катта илмий ходим

У.Т.Данияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н., доцент

М.И.Аширов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида 20 дан ортиқ мамлакатларда ипак қурти парваришланиб, «...Хитой Халқ Республикасида 650 минг тонна, Ҳиндистонда 150 минг тонна, Ўзбекистонда 18 минг тонна тут ипак қурти тирик пиллалари етиштирилади. Ипак қурти пиллалари ипакчилиги ривожланган мамлакатлар енгил саноатининг асосий хом ашё базасидан бири ҳисобланади»¹. Юқори пилла ҳосили олишга эришиш учун пиллачилик озуқа базасини янги сермахсул ва тўйимлилиги юқори тут навларини яратиш ҳамда улар асосида интенсиф тутзорларни ташкил этиш талаб этилади. Шунинг учун тутнинг *Morus alba L.* турига мансуб янги серҳосил нав ва дурагайлари яратиш ҳамда янги тутзорлар ташкил этиб, ипак қурти дурагайлари пилла маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда пиллачилик тармоғи ривожланган етакчи мамлакатларда тутнинг генетик ресурсларидан ҳамда илғор молекуляр-генетик селекция услубиятларидан оқилона фойдаланиб тутнинг йирик баргли, мўътадил ва экстремал иқлим шароитларга мослашган бута ва ярим бута навларини яратиш ва улар асосида интенсиф тутзорлар ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги илмий ишлар натижасида тут ипак қурти учун зарур бўлган органик ва минерал бирикмаларга бой тут навлари асосида йил давомида бир неча марта ипак қурти парваришlash имкони яратилиб, юқори сифат кўрсаткичларга эга мўл пилла хом ашёси етиштиришга эришилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда пиллачиликни ривожлантириш, хусусан ипак қурти дурагайлари учун мос бўлган янги тут навларини яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда, тут навлари маҳсулдорлигини такомиллаштириш, яратилган янги тут навлари озуқа баргларининг тут ипак қурти саноат дурагайлари пилла маҳсулдорлигига ва постэмбрионал ҳаётчанлигига таъсир этиш механизмларини тадқиқ этиш ҳамда уларни самарадорлигини ошириш борасидаги илмий изланиш ва инновацион технологияларни янада ривожлантириш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни, жумладан ипакчиликни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу борада пиллачилик ва тутчилик соҳасида тут ипак қуртининг озуқа базасини мустаҳкамлаш, яъни сермахсул, озуқабоп ва тўйимлилик хусусиятлари юқори янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон «Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3616-сонли «Пиллачилик тармоғини

¹ H.S.Homidy and A.N.Papaskiri. Efficiency of enrichment of fertility and regulation of soil acidity on growth and yield of mulberry. 8th bacsa international conference. «Climate changes and chemicals-the new sericulture challenges» «CLISERI» 2017 Sheki, Azerbaijan April 2nd -7th 2017

янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида ҳамда ипакчиликка тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада парвариш-ланаётган тут ипак қуртининг саноат дурагайларини асосан кенг тарқалган тутнинг эркин чангланган нави барглари билан парваришланиши, янги тут дурагайининг афзалликлари ҳамда тут навларининг турли экиш схемаларини ишлаб чиқиш асосида бир қатор тут навларини яратиш борасида М.И.Гребинская, О.Пўлатов, Ф.Гатин, Ў.Кўчқоров, Д.И.Холматов, С.Т.Валиев ва Ш.Р.Умаровлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар ўтказилган.

Шунингдек, дунё миқёсида тутнинг *Morus alba L.* навига мансуб селекцион линияларини жаҳоннинг турли минтақалари учун ва турли қурт боқиш мавсумларига мос, узоқ вақт сув сақлаш хусусиятларини ҳамда озуқавийлик белгиларини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор хорижий муаллифлар Р.Тzenov, Z.Petkov, H.S.Homidy, У.Шапакидзе, S.Ponjaruen, С.Tang, J.Luo, Z.Wangлар томонидан илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар олинган.

Республикада сифатли ва мўл пилла етиштиришда наводор тутзорлар ташкил этиш, янги сифатли ва тўйимли барг ҳосили берадиган тут навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга босқичма-босқич жорий этиб бориш ва маҳаллий тут навларини ҳозирда Хитой Халқ Республикасидан келтирилаётган тут навларидан афзаллигини исботлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар режасининг ҚХА-8-031-2012 «Республикада баҳорги ва ёзги мавсумларда қурт боқиш учун ярокли, маҳсулдорлиги юқори ва касалликларга чидамли бўлган янги тут навларини яратиш» (2012-2015 йй.) ҳамда ҚХА-8-004-2015 «Республика фермер хўжаликлари учун ҳосилдорлиги юқори ва касалликларга чидамли бўлган янги тут навларини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги селекция услубиятини қўллаб яратилган тутнинг янги нав ва селекцион номерларини тут ипак қуртининг ҳаётчанлик ва маҳсулдорлик белгиларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги яратилган тутнинг навлари ва селекцион номерлари баргларини муҳим хўжалик (барг сатҳи, барг оғирлиги, барг ҳосилдорлиги) ва морфологик (новдалар сони, новдалар узунлиги, новданинг умумий узунлиги) белгиларини аниқлаш;

янги яратилган тутнинг навлари ва селекцион номерлари барглари кимёвий таркибини аниқлаш;

янги яратилган тутнинг навлари ва селекцион номерлари барглари тут ипак қурти дурагайларининг қуртлик даврида ўсиш динамикаси, ҳамда қуртлик даври давомийлигига таъсирини исботлаш;

янги яратилган тутнинг навлари ва селекцион номерлари барглари ипак қурти дурагайларининг ҳаётчанлигига таъсирини исботлаш;

янги яратилган тутнинг навлари ва селекцион номерлари барглари ипак қурти дурагайларининг пилла маҳсулдорлигига ва технологик хусусиятларига таъсири даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб тутнинг *Morus alba L.* турига мансуб навлари ва тут ипак қуртини *Bombyx mori L.* турига мансуб дурагайлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб тутнинг морфофизиологик кўрсаткичлари, барг ҳосилдорлиги, тут ипак қуртини қуртлик давридаги ўсиш динамикаси, барглари ейилиш коэффицентлари ҳамда ҳаётчанлик ва пилла маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда тутчилик ва пиллачиликда умумий қабул қилинган агротехник қоидалар, олинган рақамларни биологик статистика усулларида қайта ишлаш, таққослаш ҳамда «Оқ пилла ипак қурти дурагайлари парваришлаш агротехнологияси» усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тутнинг янги «Жарариқ 9» ва «Жарариқ 10» навларининг тут ипак қурти дурагайларининг ҳаётчанлиги, пилла маҳсулдорлиги ва технологик белгиларига таъсир даражаси аниқланган;

тутнинг янги «Жарариқ 9» ва «Жарариқ 10» навлари барглари ипак қуртини дурагай қуртлари томонидан ўзлаштирилиш коэффиенти аниқланган;

тутнинг янги навлари ва селекцион номерларининг барги кимёвий таркибининг 7 та кўрсаткичи, шу жумладан полипреноллар, β-ситостерин ва А витаминининг миқдори бўйича бир-биридан кескин фарқ қилиши исботланган;

тут навлари ва ипак қурти личинкалик даврининг давомийлиги, уларнинг ўсиш динамикаси ўртасида боғлиқлик илмий жиҳатдан асосланган;

тутнинг янги навлари ва селекцион номерларини муҳим морфологик ва ҳўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичлари ипак қурти пилла маҳсулдорлиги кўрсаткичлари билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Республикамизнинг Андижон, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари шароитида янги тут навларини кўпайтириш ва уларнинг барглари сифатли ва мўл пилла ҳосили етиштириш мумкинлиги асосланган;

тутнинг янги серҳосил ва тўйимлилиги юқори селекцион номерларининг самарадорлиги илмий асосланиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

Республикамизнинг учта вилоятларида истиқболли тут навлари жорий этилган;

Жарариқ 9 ва Жарариқ 10 навлари ишлаб чиқариш шароитида тутзорлар ташкил этилиб, уларнинг баргларидан юқори пилла ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилгани, Ипакчилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилгани, барча олинган рақамли маълумотлар биометрик ишловдан ўтказилгани, жорий қилиш тадбирлари тутчиликка ихтисослашган хўжаликлар далолатномалари билан асослангани, ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимиз иқлим шароитига мос янги тут навларини морфо-хўжалик белгилари, баргнинг кимёвий таркиби, тутнинг селекцион номерларини ипак қурти дурагайлари томонидан ўзлаштирилиши ва ҳазм қилиш коэффициентларини аниқланганлиги ҳамда янги тут навларини ипак қурти дурагайлари таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ипакчилик соҳасининг озуқа базасини янги навдор серҳосил, барг ейилиши ва ҳазм бўлиши ҳамда сифатли, мўл пилла ҳосили олиш мумкин бўлган тутзорлар билан мустаҳкамлаш имкониятини оширишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тут ипак қурти дурагайлари ҳаётчанлиги ва ипак маҳсулдорлигига янги тут навларининг таъсири бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

тут дарахтининг янгидан яратилган «Жарариқ 9» ва «Жарариқ 10» навларини экиш натижасида Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги «Ипак» фермер хўжалигининг жами 0,40 гектар майдонида тут плантациялари ташкил этилган ва 7 қути ипак қурти дурагайлари парваришlashга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/032-248-сон маълумотномаси). Натижада 1 гектар тутзордан қўшимча 2120 кг озуқа барги етиштирилган ва парваришланган 7 қути ипак қуртининг ҳар бир қутисидан қўшимча 11,0 кг пилла етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи 109890 сўмни ташкил этган;

тут дарахтининг «Жарариқ 9» ва «Жарариқ 10» янги навларини экиш асосида Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани «Шахноза, Комила, Азизжон» фермер хўжалигида жами 0,30 гектар майдонида тут плантациялари барпо этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/032-248-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 1590 кг қўшимча барг ҳосили ва ипак қуртининг 5 қути «Ипакчи 1 X Ипакчи 2» саноат дурагайдан андозага нисбатан 12,0 кг қўшимча пилла ҳосили олишга эришилган ва 1 қутидан олинган иқтисодий самарадорлик 118800 сўм ошишига имкон берган;

Сирдарё вилоятининг «Элдор Гулмуродович» фермер хўжалигида 0,20 гектар майдонда тутнинг янги «Жарариқ 9» ва «Жарариқ 10» навларининг янги экиш схемадаги плантацияларини яратишда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/032-248-сон маълумотномаси). Натижада янги схемадаги ташкил этилган тутзорнинг 1 гектар ҳисобидан

қиёсловчи навга нисбатан қўшимча 1060 кг барг ҳосили олинган ва улар билан парваришланган ипак қурти дурагайларининг 1 қутисидан пилла ҳосили 69,5 кг гача оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари баён қилинган, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сифатли озуқа сифатли ва мўл пилла етиштиришнинг асоси**» деб номланган биринчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, маҳаллий ва хориж олимларининг илмий ишлари таҳлил қилинган. Маҳаллий ва хориж олимларининг илмий ишлари таҳлил асосида тут ипак қуртининг хўжалик белгиларини оширишнинг асосий омиллари, тут навлари ва дурагайларининг пилла ҳосили ва сифатини яхшилашдаги роли ҳамда тут ипак қурти ҳаётчанлиги ва пилла маҳсулдорлиги ҳамда етакчи технологик кўрсаткичларини янада ошириш бўйича бажарилган кенг камровли хориж ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ишлар натижалари келтирилган. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб ишларда тутнинг турли иқлим шароитларга мослашган навлари ва дурагайларини яратиш ҳамда курт боқиш даврида ипак қуртига бевосита таъсир этиши мумкин бўлган баъзи омилларни ролига оид муайян натижаларга эришилган. Лекин, шунга қарамасдан охириги йилларда яратилган Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мос янги тут навларини sanoatbop дурагай қуртларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларига таъсирини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услубиётлари**» деб номланган бобида тадқиқот жойи, объекти, ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти қилиб тутнинг *Morus alba L.* турига мансуб янги №2-02, №3-02, №4-02, №5-02, №7-02 селекцион номерлари танлаб олинди. Синов

боқувлари тут ипак қуртининг «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» ва «Ипакчи 2 х Ипакчи 1» дурагайларида ўтказилди.

Тажрибаларда тут ипак қуртининг оқ пиллали зотларини парваришланишнинг агротехникавий, тутнинг селекцион номерларини хўжалик белгиларини: новданинг узунлиги, сони, совуқ урган қисмининг узунлиги, барг катталиги, ҳосилдорлиги кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тут селекцияси услубиётларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Тутнинг янги сермахсул навларини яратиш**» деб номланган учинчи бобида янги тут навларининг морфологик ва хўжалик белгилари кўрсаткичлари келтирилган.

Олинган маълумотларда қиёсловчига нисбатан барча селекцион номерлар юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Асосий кўрсаткичлардан бири бу новдаларнинг узунлиги ҳисобланади. Чунки мақсад ҳар бир тупдан имконият даражасида ипак қуртлари учун зарур бўлган озуқа – тут барглариини максимал олиш вазифаси ҳисобланади. Новдаларнинг узунлиги бўйича №3-02 (226,6 см), №4-02 (217,6 см), №5-02 (204,7 см), №7-02 (219,2 см) тажриба материалларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Тут барги ёзилиши (листогенез), ҳар бир тупдан чиқадиган барг миқдори кўп жихатдан каллакдаги новдаларни умумий узунлигига боғлиқ. Каллакдаги новдаларни умумий узунлиги бўйича кўрсаткичларга эътибор берадиган бўлсак, тажрибадаги №3-02 (6956,5 см), №7-02 (6653,0 см) селекцион номерлар жуда юқори ўринда туришини кўришимиз мумкин. Ушбу белги қиёсловчи «Таджикская безсемянная» навида 5063,7 смни ташкил этди.

Тадқиқот натижалари асосида селекцион номерларни барг сатҳи ва оғирлиги қиёсловчи навга нисбатан юқорилиги аниқланди. Баҳор мавсумида №3-02 ва №7-02 селекцион номерларнинг барг оғирлиги 3,71-3,92 г бўлган бўлса, назорат навда ушбу кўрсаткич 1,90 г ни ташкил этган. Ёзги даврда эса №3-02, №4-02 ва №7-02 селекцион номерлар 6,4-7,8 г барг оғирлиги ва «Таджикская безсемянная» қиёсловчи навида 4,7 г кўрсаткич қайд этилди.

Барг пластинкасининг узунлиги, эни ва бандининг узунлиги ҳам барг ҳосилдорлигини белгилаб беради. Барг узунлиги баҳорги мавсумда тажриба номерларимизда 15,5-17,4 смни ташкил этган бўлса, ёзги даврда барг узунлиги 15,5-16,7 смга тенг бўлди. Қиёсловчи «Таджикская безсемянная» навининг барг узунлиги баҳор ва ёз мавсумида мос равишда 11,4 см ва 13,5 смни ташкил этди. Баргнинг банди ва эни бўйича ҳам янги селекцион номерларнинг кўрсаткичлари қиёсловчи навдан юқорироқ даражада бўлишини кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг «**Янги тут навларининг озуқабоплигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида тутнинг янги селекцион номерлари барглариининг кимёвий таркибига оид натижалар баён қилинган.

2017 ва 2018 йиллар давомида эксплуатацияга киргандан сўнг баҳорги қурт боқишда, яъни қуртлар ривожланишининг бешинчи ёши ўрталарида ҳар бир навдан эрталаб соат 8⁰⁰ да 100 г миқдорида барг намунаси олинди. Барглари қуритилди ва кимёвий таҳлил ишлари ўтказилди. Кимёвий таҳлилда барг намуналаридаги намлик миқдори, хом кул миқдори (кулланиш), умумий азот,

хом протеин (оқсиллар) ҳамда илк бор иккинчи даражали метаболитлар бўлган полипренол, β-ситостерин ва А витамини кўрсаткичлари аниқланди. 1-жадвалда тут навларининг 2017 йил баҳорги ва 2-жадвалда 2018 йил баҳорги вегетация давридаги баргларидаги кимёвий моддалар миқдори келтирилган.

1-жадвал

Тутнинг №3-02 (Жарарик 9) ва №7-02 (Жарарик 10) навлари баргини кимёвий таркиби (2017 й.)

Тут навлари ва намуна рақами	Қурт боқиш мавсуми	Умумий намлик, %	Абсолют қуруқ модда ҳисобидан, %					
			оқсиллар	азот миқдори	кулланиш	поли-преноллар	β-ситостерин	витамин А МЕ
5-намуна № 3-02 (Жарарик 9)	баҳор	75,1	22,5	4,32	12,2	0,03	0,023	35859,6
	қиёсловчига нисбатан, %	99,9	98,2	102,9	88,4	300,0	121,1	206,7
6-намуна № 7-02 (Жарарик 10)	баҳор	74,3	22,3	4,02	11,1	0,03	0,027	37005,0
	қиёсловчига нисбатан, %	98,8	97,4	95,7	80,4	300,0	142,1	213,3
8-намуна Таджикская безсемянная (қиёсл.)	баҳор	75,2	22,9	4,20	13,8	0,01	0,019	17345,3
	%	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-2-жадваллар маълумотларидан кўришиб турибдики, Жарарик 9 (5-намуна) ва Жарарик 10 (6-намуна) тут навлари баргларидаги кимёвий таркиби қиёсловчи Таджикская безсемянная навидан сезиларли даражада фарқ қилишини кўриш мумкин. Сув миқдори янги навларда 75,-74,3% (2017 й.) ва

2-жадвал

Тутнинг № 3-02 (Жарарик 9) ва № 7-02 (Жарарик 10) навлари баргини кимёвий таркиби (2018 й.)

Тут навлари ва намуна рақами	Қурт боқиш мавсуми	Умумий намлик, %	Абсолют қуруқ модда ҳисобидан, %					
			оқсиллар	азот миқдори	кулланиш	поли-преноллар	β-ситостерин	витамин А МЕ
5-намуна № 3-02 (Жарарик 9)	баҳор	76,0	22,0	3,53	11,34	0,03	0,026	35849,4
	қиёсловчига нисбатан, %	99,7	108,4	130,7	84,6	100,0...	173,3	239,4
6-намуна № 7-02 (Жарарик 10)	баҳор	77,3	22,5	3,60	11,05	0,03	0,025	36966,0
	қиёсловчига нисбатан, %	101,4	110,8	133,3	82,4	100,0...	166,7	246,8
8-намуна Таджикская безсемянная (қиёсл.)	баҳор	76,2	20,3	2,70	13,41	излари	0,015	14977,4
	%	100,0	100,0	100,0	100,0	-	100,0	100,0

76,0-77,3% (2018 й.) ни ташкил этган бўлса, Таджикская безсемянная навида бу кўрсаткич 75,2-76,2% га тенг бўлди. Бу қиёсловчига нисбатан 98,8 фоиздан 101,4 фоизгача юқори натижа ҳисобланади. Тут барги таркибининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири, бу оксил (протеин) миқдори ҳисобланади. Баргда қанчалик протеин кўп бўлса, бундай барглар билан озикланган ипак куртлари ипак безида серицин ва фиброин оксилларининг биосинтези интенсиф кечади. Ушбу муҳим кўрсаткич янги навларимизда 22,3-22,5% (2017 й.) ва 22,0-22,5% (2018 й.) га тенг бўлиб, қиёсловчи навадан 2018 йилда 108,4-110,8% га юқори даражада экани олиб борилган селекция ишларининг натижалари ҳисобланади.

Энди тадқиқот ишимизнинг муҳим бир янги маълумоти, яъни илк бор бизнинг илмий ишимизда тут барглари таркибидаги иккинчи даражали метаболитларни таркиби ўрганилди. 1-2-жадвалларга эътибор қарати- ладиган бўлса, уларда полипренол, β-ситостерин ва А витаминининг миқдори 2017-2018 йиллар давомида Жарарик 9 ва Жарарик 10 навларида қиёсловчи Таджикская безсемянная навида нисбатан сезиларли даражада кўп миқдорда эканини кўришимиз мумкин. Агар қиёсловчига нисбатан фоиз ҳисобида олинса, полипренолнинг миқдори 300,0% гача ва β-ситостерин ва А витаминининг миқдори мос равишда 173,3% ва 246,8% гача юқори эканини кўришимиз мумкин.

Тутнинг янги сермахсул навларининг кимёвий таркибини тадқиқ этиш бўйича амалга оширилган тажрибалар тут навлари баргларининг таркибидаги озуқа ва иккинчи даражали метаболит моддалар миқдорининг бир-биридан фарқланишини кўрсатди. Баҳор мавсумида барглар энг зарур озуқа моддаларига бой экани ва бинобарин, куртларнинг меъёрда озикланиши, ўсиш ва ривожланиши учун энг аввало тут барглари етарлича намликка ва протеин моддасига бой бўлиши талаб этилади.

Тажрибаларда янги тут навлари баргларини ипак қуртининг ўсиш ва ривожланишига таъсирини аниқлаш куртларнинг ёшлар бўйича вазнини ўсиш динамикасини тадқиқ этишни тақазо этади .

Тут ипак қуртининг IV-V-ёшлар оралиғида ўсиш динамикасини аниқлаш тут навларини қанчалик самарали эканини кўрсатади. Тажрибаларда янги тутнинг селекцион номерларининг барглари Ипакчи 1 х Ипакчи 2 саноат дурагайи куртларини 4-5-ёшларда ўсиш динамикасига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатгани аниқланди. 2015 йилги натижалар бўйича энг юқори ўсиш динамикаси №3-02 (0,563 г) ва №7-02 (0,531 г) номерлар баргларини истеъмол қилган вариантларда аниқланган бўлса, 2017 ва 2018 йилги кўрсаткичларда ҳам №3-02 (0,634-0,646 г) ва №7-02 (0,643-0,646 г) селекцион номерларнинг қиёсловчига нисбатан юқори натижалари қайд этилди. Қиёсловчи Таджикская безсемянная навининг уч йиллик натижалари мос равишда 0,389 г; 0,627 г; 0,624 гга тенг бўлди. Ушбу куртлар вазнининг ўсиш динамикаси албатта янги навликка номзод селекцион номерларнинг самарали эканидан далолат беради.

Шу билан бирга, тутнинг янги селекцион номерлари баргини 3 йил давомида тут ипак қуртининг «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» ва «Ипакчи 2 х Ипакчи 1»

дурагайлариининг личинкалик даври давомийлигига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар икки дурагайда ҳам деярли бир хил, яъни барглардаги фойдали элементлар етарли даражада бўлганлиги сабабли қуртлик даври 1-4 суткага қисқариши кузатилди. 2015 йилги қурт боқиш мавсумида №3-02 селекцион номер барглари билан парваришланган қуртлар 26 кунда пилла ўрашга киришган бўлса, қиёсловчи вариантда қуртлар 30 кун парваришланган. 2016 йилда эса №7-02 селекцион номер вариантынинг қуртлари 26,5 кун боқилган ва қиёсловчи 30 кун боқилган. 2017 йилги натижалар мос равишда 26,5 кун ва 29 кунни ташкил этди. Демак, селекцион материал ичида №3-02 ва №7-02 селекцион номерлар нафақат барг ҳосилдорлиги, балки унинг тўйимлилиги ва қуртлар томонидан яхши ейилиши билан ҳам тут навларига қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беришини исботлайди.

Диссертациянинг «**Янги тут навлари барглариини тут ипак қурти дурагайлариига таъсири**» деб номланган бешинчи бобида ипак қурти ҳаётчанлиги ва пилла маҳсулдорлигини тутнинг навларига, яъни тадқиқ этилаётган янги селекцион номерларига боғлиқлиги бўйича тажриба натижалари келтириб ўтилган. 3-жадвалда 2015-2017 йиллар давомида қуртлар ҳаётчанлигига оид рақамлар келтирилади.

3-жадвалда келтирилган қуртлар ҳаётчанлиги бўйича маълумотлар илмий-тадқиқот ишимизнинг энги муҳим натижалардан бири бўлиб хизмат қилади. Рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, янги тут селекцион номерларининг барглари «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» дурагайининг қуртлар ҳаётчанлигини юқори даражада намоён бўлишига олиб келган. №3-02 ва №7-02 селекцион номерларнинг барглари билан парваришланган вариантда 2015-2017 йиллар бўйича кўрсаткич 90,6-92,9% ни ташкил этди ва бошқа селекцион номерлар ҳам қиёсловчи вариантдан сезиларли даражада юқори 87,9-88,9%. Худди шу кўрсаткич қиёсловчи вариантда 83,4% ни ташкил этди (Pd=0,999).

3-жадвал

Янги тут навлари билан парваришланган «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» дурагайи қуртларининг уч йиллик ўртача ҳаётчанлиги (2015-2017 йй.)

Селекцион номер	Қуртлар ҳаётчанлиги,%	Касаллик фоизи, %	Қиёсловчига нисбатан,%	
			ҳаётчанлиги бўйича	касаллик бўйича
№2-02	87,9* ±4,076	3,6* ±0,81	105,4	65,5
№3-02 Жарарик 9	90,6* ±3,948	2,03* ±0,29	108,6	36,9
№4-02	89,9* ±4,138	2,5* ±0,34	107,8	45,5
№5-02	88,9* ±4,729	2,8* ±0,71	106,6	50,9
№7-02 Жарарик 10	92,9* ±2,866	1,6* ±0,40	111,4	29,1
Қиёсловчи (Гаджикская безсемянная)	83,4±7,390	5,5±1,15	100,0	100,0

* - Pd=0,999

Қуртларнинг касалланиш фоизига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ўта муҳим белги бўйича ҳам натижалар ижобий, яъни янги селекцион номерлар барглари билан парваришланган қуртларнинг касалланиши қиёсловчи «Таджикская безсемянная» вариантыдан сезиларли даражада паст ($Pd=0,999$). Қиёсловчида 5,5%, селекцион номерларда эса 1,6-2,8%. №7-02 ва №3-02 селекцион номерларда касалланиш жуда паст даражада бўлиши (1,6-2,03%) бу тут баргларидаги озуқа моддаларини қуртларнинг иммунитетини мустаҳкам бўлишидаги ролини кўрсатади.

Тут ипак қуртининг пилла маҳсулдорлик белгилари энг асосий хўжалик белгиларидан бири ҳисобланади. Саноат миқёсида ипак қуртининг биринчи авлод дурагай қуртлари парваришланади ва улардан саноат пилласи олинади. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқотларимизда тутнинг янги селекцион номерлари билан «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» саноат дурагайини 5 та янги номер ва қиёсловчи Таджикская безсемянная навининг барглари билан 2015-2017 йиллар давомида бир хил гигротермик шароитларда ва бир хил миқдордаги, фақат турли тут селекцион номерлари барглари билан парваришладик. 4-жадвалда 2015, 2017 йиллар давомида амалга оширилган синов боқувларида олинган натижалар келтирилган.

4-жадвал

Турли тут навлари барглари билан парваришланган «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» дурагайининг 2015-2017 йиллар бўйича ўртача пилла маҳсулдорлиги

Тутнинг селекцион номерлари	Пилла-лар сони, дона	Пилланинг вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, г	Пилла қобиғининг вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, г	Пиллалар ипакчанлиги $\bar{X} \pm S \bar{x}$, %
№2-02	90	1,80 ^{**} $\pm 0,08$	0,400 [*] $\pm 0,01$	22,1 [*] $\pm 0,666$
№3-02	90	1,88 ^{**} $\pm 0,04$	0,433 [*] $\pm 0,008$	23,2 [*] $\pm 0,404$
№4-02	90	1,77 ^{**} $\pm 0,04$	0,383 [*] $\pm 0,008$	22,6 [*] $\pm 0,687$
№5-02	90	1,77 ^{**} $\pm 0,08$	0,397 [*] $\pm 0,021$	22,2 [*] $\pm 0,670$
№7-02	90	1,89 ^{**} $\pm 0,04$	0,447 [*] $\pm 0,008$	23,4 [*] $\pm 0,147$
Қиёсловчи (Таджикская безсемянная)	90	1,68 $\pm 0,06$	0,337 $\pm 0,008$	20,3 $\pm 0,321$

* - $Pd=0,999$

** - $Pd=0,899$

4-жадвалдаги пилла вазни, пилла қобиғи вазни ва пиллалар ипакчанлиги белгиларининг кўрсаткичлари тажрибаларда иштирок этаётган селекцион номерларда қиёсловчи наван ўзининг устунлигини кўрсатди. Уч йиллик ўртача маълумотларга асосан «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» дурагайининг пилла вазни ва пилла қобиғи вазни ҳамда ипакчанлик кўрсаткичларига янги селекцион номерлар барглари ижобий таъсир кўрсатганини кўришимиз мумкин. Пилла

вазни вариантлар бўйича 1,77-1,90 гни ташкил этиб, энг юқори натижани №7-02 (1,90 г) ва №3-02 (1,88 г) селекцион номерлар намоён этди. Пилла қобиғи вазни 0,383-0,447 мгга тенг бўлди ва №3-02, №7-02 номерларнинг кўрсаткичлари мос равишда 0,433 мг ва 0,447 мгни ташкил этди.

Пиллаларнинг ипакчанлигини тахлил қиладиган бўлсак, тўртта селекцион номернинг ушбу белгисининг кўрсаткичлари 22,1-23,4% бўлиб, қиёсловчи «Таджикская безсемянная» навида 20,3% ни ташкил этди. Тажириба вариантларига нисбатан 1,8-3,1 абс.% га паст ҳисобланади ($P_d=0,899-0,999$). Шунини алоҳида қайд этмоқ керакки, пиллалар ипакчанлигининг бор йўғи 1,0% оширилиши мамлакат миқёсида жуда катта ҳажмда иқтисодий самара олиб келиши мумкин. Бунинг учун фақат қуртларни янги тут навларининг барглари билан парваришlash талаб этилади.

Пиллачиликда бир қути қуртдан олинадиган пилла ҳосилдорлиги соҳанинг иқтисодий самарадорлигини белгилаб беради. Чунки қурт боқувчи звеноларга қуртлар 1,2,3 қути ҳисобидан тарқатилади. 1 қути қурт 19 грамм бўлиб, унда тахминан 43000-48000 дона қурт бўлиши мумкин. Агар шу қуртларнинг 90% пилла ўраса, 38700-43200 дона пилла бўлади. Бир дона пилла вазни 2,0 г атрофида бўлишига эришилса, бир қути қуртдан 77,4-86,4 кг пилла етиштириш мумкин. Ана шу жараёнда тут баргининг миқдори ва унинг кимёвий таркиби, озуқавийлик хусусиятлари катта роль ўйнайди. Кўп ҳолларда пилла ҳосилдорлиги тут баргига боғлиқ бўлиб қолади.

5-жадвалда қуртлар ҳаётчанлиги, бир дона пилла вазни асосида бир қути қуртдан олинадиган пилла ҳосилдорлиги тутнинг турли навларига боғлиқлигини кўрсатувчи рақамлар келтирилган.

5-жадвал

«Ипакчи 1 х Ипакчи 2» дурагайининг 2015-2017 йиллар бўйича ўртача пилла ҳосилдорлиги кўрсаткичлари

Селекцион номер	Қуртлар ҳаётчанлиги, %	Пилла вазни, г	Пилла ҳосилдорлиги	
			1 қутидан, кг	қиёсловчига . нисбатан, %
№2-02	87,9±4,076	1,8±0,13	71,6*±5,304	113,3
№3-02	90,6±3,890	1,9±0,05	76,5*±4,644	121,0
№4-02	89,9±4,138	1,8±0,04	71,8*±4,679	113,6
№5-02	88,9±4,730	1,8±0,09	70,1*±2,021	110,9
№7-02	92,9±2,654	1,9±0,046	79,3*±2,323	125,5
Қиёсловчи (Таджикская безсемянная)	83,4±7,390	1,7±0,067	63,2±7,404	100,0

* - $P_d=0,999$

Уч йиллик ўртача пилла маҳсулдорлик кўрсаткичларининг тахлили шунини яна бир бор тасдиқламоқдаки, қуртларни навдор тут барглари билан боқилиши,

бевосита уларнинг пилла ҳосилига таъсир кўрсатиши мумкин экан. Пилланинг ўртача вазни 2015-2017 йилларда 1,8-1,9 г ни ташкил этди ва №3-02 ва №7-02 селекцион номерларнинг барглари пилла вазнига худди қуртлар ҳаётчанлигига каби ижобий таъсир кўрсатди. Қиёсловчи вариантда пилла вазни 1,7 г га тенг бўлиб, қиёсий ўрганилаётган барча янги номерлардан пастроқ даражада бўлди.

1 қути қуртдан олинадиган пилла ҳосили ҳам селекцион номерларда анчагина юқори – 71,6-79,3 кг. Қиёсловчи вариантнинг ушбу кўрсаткичи 63,2 кг ни ташкил этди халос ($Pd=0,999$). Ўзаро фарқни тахлил қилинганда, пилла ҳосилдорлиги саноат дурагай қуртлари янги селекцион номерлар барглари билан парваришланганда 110,9-125,5% юқори пилла етиштириш мумкин бўлади.

Технологик кўрсаткичларга тўхталадиган бўлсак, ўртача натижалар асосида пиллалар чувалиши, толанинг умумий узунлиги ва куруқ пиллалардан хом ипак чиқиши №3-02 ва №7-02 селекцион номерларда юқори эканини айтиб ўтиш мумкин. Демак, хом ипак чиқиши 41,8-42,04%, пиллалар чувалиш фоизи 89,0-89,9% ва толанинг умумий узунлиги 1050,0-1066,0 м оралиғида бўлди. Қиёсловчи «Таджикская безсемянная» навида эса мос равишда 38,3%; 83,0%; 969,0 м кўрсаткичлар қайд этилди.

Барча янги селекцион номерлар баргларини толанинг узлуксиз чувалиш узунлигига ижобий таъсири мавжудлиги аниқланди (826,0-894,7 м).

Синов натижаларида аниқланган юқори технологик белгилар тавсия этилаётган тут навларига номзод селекцион номерлар баргларининг нечоғлик тўйимлилигини ва фойдали озуқа моддаларга бойлигини кўрстатади.

Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги

Биз ўз тадқиқотларимизни ташкил этиш жараёнида республикамизнинг Андижон, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида Жарариқ 9 ва Жарариқ 10 тут навларидан 4 х 0,5 схемада тутзорлар ташкил этишга муваффақ бўлдик.

Жорий қилиш тадбирлари олиб борилган учта фермер хўжалиги шароитида Жарариқ 9 ва Жарариқ 10 тут навларининг ҳар бир ташкил этилган тутзорларидан қиёсловчи навга нисбатан 1060-2120 кг юқори сифатли кўшимча барг ҳосили олинди. Тут барги ҳосили бўйича олинган иқтисодий самарадорлик жорий қилинган майдон ҳисобига 318000-424000 сўмни, соф фойда 27300-84800 сўмни, рентабеллик 25,0 % га кўтарлиб, сарф қилинган 1 сўмга 1,25 сўм фойда олишга эришилди.

Янги жорий этилган тут навларининг барглари билан парваришланган «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» дурагайининг ҳар бир қутисидан кўшимча 11,0-16,0 кг пилла етиштирилди, иқтисодий самарадорлик 109890-136500 сўм, соф фойда 17730-27300 сўмни ташкил этди ва рентабеллик 20,0-22,0 % га кўтарилди ҳамда 1,0 сўм харажатга 1,22 сўм фойда олинди.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация иши бўйича олинган натижаларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. *Morus alba L.* турига мансуб тутнинг янги селкцион номерлари мавжуд стандарт «Таджикская безсемянная» навидан морфологик, хўжалик ва баргининг тўйимлилиқ хусусиятлари бўйича афзалликларга эга. Тут дархтидаги новдалар узунлиги №3-02 (226,6 см), №7-02 (219,2 см) ва унинг совуқ урган қисми бўйича (3,1-3,3 см) «Таджикская безсемянная» қиёсловчи (12,2 см) навидан сезиларли даражада устун ҳисобланади.

2. Барг ҳосилдорлиги янги селкцион номерларда 3,0-3,8 кг ни ташкил этиб, қиёсловчи навидан қарийиб икки баробар юқорилиги аниқланди.

3. №3-02 ва №7-02 номерлар баргининг кимёвий таркибидаги хом протеин, умумий азот ва илк бор аниқланган иккинчи даражали метаболитлар миқдорлари қиёсловчи навга нисбатан 102,9-300,0 % га юқори бўлиб, айнан ушбу навлар дурагай куртларнинг ҳаётчанлиги ҳамда пилла маҳсулдорлигига ижобий таъсири аниқланди. Натижалар янги навлар баргнинг кимёвий таркиби бевосита уларнинг генотипига боғлиқлигини кўрсатди.

4. Янги селкцион номерлар барги куртлар вазнини ортиши – ўсиш динамикасига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатиши исботланди. Бу кўрсаткич №3-02 ва №7-02 номерларда 0,531-0,563 г ни ташкил этган бўлса, қиёсловчида 0,389 г ни ташкил этди.

5. Янги селкцион номерлар барглари билан парваришланган дурагай куртларнинг личинкалик даврини 1-4 суткага қисқариши, барглардаги фойдали элементларни етарли, хатто юқори даражада бўлганлигини кўрсатади.

6. Тутнинг селкцион номерлари орасида №3-02 ва №7-02 номерларнинг барглари ейилиш коэффиценти 69,2-76,1%ни ташкил этиши ўз навбатида ушбу номерларнинг барглари сифати юқорилигини ҳамда бир қути курт учун 900 кг барг сарфлаш мумкинлигини исботлади.

7. 2015-2017 йиллар давомида ўтказилган дурагай куртларни синов боқувлари натижалари асосида куртлар ҳаётчанлиги 87,9-92,9% ва касалланиш фоизи 1,6-3,6% га тенг бўлди. Худди шу кўрсаткичлар қиёсловчи тут навида 83,4%; 5,5% даражасида, яъни тавсия этилаётган навлардан сезиларли даражада паст натижа ҳисобланади.

8. Пиллачиликни самарадорлигини белгилаб берувчи энг асосий мезон – 1 қути куртдан олинадиган пилла ҳосилдорлиги янги селкцион номерлар билан парваришланганда 70,1-76,5 кгни ташкил этган ҳолда, қиёсловчи вариантда 63,2 кгга тенг бўлди. Ушбу тажриба натижалари ҳам пилла маҳсулдорлигига тут навлари баргининг бевосита таъсири борлигидан далолат беради.

9. Тажрибаларда №3-02 ва №7-02 селкцион номерлар барглари тут ипак куртининг «Ипакчи 1 х Ипакчи 2» саноат дурагайининг технологик кўрсаткичларини ошириши мумкинлиги аниқланди. Хом ипак чиқиши 41,8-42,04%; толанинг умумий узунлиги 1050-1066 м; узлуксиз чувалиш узунлиги 854,0-894,7 м ни ташкил этди.

10. Тутнинг янги селекцион номерлари барглари дурагай қуртларнинг ҳаётчанлик ва пилла маҳсулдорлик белгиларига ижобий таъсири тут ипак қурти дурагайлари генетик потенциални рўёбга чиқишида катта аҳамиятга эга эканини исботлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.Qx.13.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ,
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ШЕЛКОВОДСТВА**

РАЖАБОВ НАРЗУЛЛА ОРОЛОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ НОВЫХ СОРТОВ ШЕЛКОВИЦЫ НА
ЖИЗНЕСПОСОБНОСТЬ ГУСЕНИЦ И ШЕЛКОВУЮ
ПРОДУКТИВНОСТЬ ГИБРИДОВ ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА**

06.02.04 - Шелководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/Qx321.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете и Научно-исследовательском институте шелководства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (www.agrar.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	Насириллаев Бахтияр Убайдуллаевич доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.
Официальные оппоненты:	Якубов Ахматжон Бакиевич доктор биологических наук, профессор Наврұзов Собир кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Министерство Сельского хозяйства Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.Qx.13.02 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz Актовый зал, 1-этаж, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № _____).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 г.

(Протокола рассылки №___ от «___» _____ 2018 г.)

Ш.Р.Умаров

Председатель Научного совета по присуждению учёной степени, д.с.-х.н., с.н.с.

У.Т.Данияров

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёной степени, к.с.-х.н., доцент

М.И.Аширов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени, д.с.-х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. В настоящее время в мире более 20 ти странах мира выращивается коконы тутового шелкопряда, «.. В Китайской Народной Республике производится 650 тыс т коконов, в Индии 150 тыс т, а в Узбекистане 18 тыс т. Коконопроизводство является одной из основной сырьевой базой мировой легкой промышленности»¹. Путем выведения новых сортов шелковицы, приспособленных к различным климатическим и региональным условиям, а также созданием интенсивных тутовых плантаций можно получить высокоурожайные и качественные коконы. Поэтому создание высокопродуктивных сортов шелковицы, относящих к виду *Morus alba L.*, с повышенными питательными свойствами и организация новых плантаций является важной научно-практической проблемой в повышении шелковой продуктивности тутового шелкопряда.

В мировом масштабе в основном возделываются сорта шелковицы вида *Morus alba L.* и листья шелковицы считается единственным питательным источником тутового шелкопряда. В странах с развитой отраслью шелководства в процессе селекционных исследований, направленных на повышение генетического потенциала шелковицы создаются все новые кустарые и полукустарные сорта, приспособленные к более умеренным климатическим условиям, отличающиеся с повышенным содержанием органических и минеральных веществ, которых эксплуатируют несколько раз в году и получают высокоурожайные и качественные коконы.

За годы независимости республики были проведены широкомасштабные мероприятия по развитию отрасли шелководства, в частности были созданы и внедрены ряд сортов шелковицы для промышленных гибридов тутового шелкопряда. В результате были организованы маточные тутовые плантации для выращивания гибридных семян, а также исследователями выводятся новые морозоустойчивые сорта и гибриды шелковицы, для отдельных регионов страны, обладающие высоким урожаем листа. Вместе с этим необходимо отметить, что было уделено мало внимания на повышение продуктивности ранее созданных сортов и не были глубоко изучены проблемы влияния листьев новых сортов на шелковую продуктивность и эмбриональную и постэмбриональную жизнеспособность гибридов тутового шелкопряда. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, рассчитанный на 2017-2022 гг. уделено большое внимание на развитие сельского хозяйства, в том числе животноводства и шелководства. В этом направлении проведение научно-исследовательских работ в шелководстве и туководстве по укреплению кормовой базы, т.е. создание и внедрение высокопродуктивных сортов шелковицы, с высокими питательными свойствами и их внедрение в производство имеет важное значение.

¹ H.S.Homidy and A.N.Papaskiri. Efficiency of enrichment of fertility and regulation of soil acidity on growth and yield of mulberry. 8th bacsa international conference. «Climate changes and chemicals-the new sericulture challenges» «CLISERI» 2017 Sheki, Azerbaijan April 2nd -7th 2017.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года ПП-№2856 «О мерах по организации деятельности Ассоциации Узбекипаксаноат» и ПП-6316 «О мерах по дальнейшему развитию шелководства» от 20 марта 2018 г., а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

